



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ЦЕФ-ОД

Препаратнинг савдо номи: Цеф-ОД

Таъсир этувчи модда (ХПН): Цефиксим

Дори шакли: капсулалар

Таркиби:

Ҳар бир капсула ЦЕФ-ОД 200 мг қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: цефиксим тригидрати 200 мг;

ёрдамчи моддалар: магний стеарати, лактоза, аэросил 200, кросповидон.

Ҳар бир капсула ЦЕФ-ОД 400 мг қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: цефиксим тригидрати 400 мг;

ёрдамчи моддалар: магний стеарати, лактоза, аэросил 200, кросповидон.

Таърифи:

ЦЕФ-ОД капсулалари 200 мг, 400 мг: сарғиш рангли гранулаланган кукун сақловчи қаттик желатинли капсулалар, капсула танаси ва қопқоғи мовийранг.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Антибиотик (цефалоспоринлар гуруҳи).

АТХ коди: J01DD08

Фармакологик хусусиятлари

Цефиксим III авлод цефалоспорин антиотиғи. Бактерицид таъсир кўрсатади (бактериялар ҳужайра деворининг асосий структур компоненти-пептидогликан синтезини ингибиция қилади). Бета-лактамазалар таъсирига чидамли. Турли аэроб ва анаэроб грамманфий ва граммусбат микроорганизмларга, шу жумладан *Pseudomonas aeruginosa* га нисбатан кенг таъсир доирасига эга.

Цефиксим препаратига сезгир қуйидаги микроорганизмлар чақирган қуйидаги инфекцияларни даволаш учун Цефиксимни қўллаш кўрсатилган.

Streptococcus sp, Streptococcus pneumonia, Neisseria gonorrhoeae, Neisseria meningitides, Moraxella (Branhamella) catarrhalis, Escherichia coli, Klebsiella sp, Serratia sp, Proteus sp, Providencia sp, Morganella morganii, Haemophilus influenza, Haemophilus parainfluenzae, Salmonella sp, Shigella sp, Aeromonas hydrophila, Pasteurella multocida, Citrobacter freundii, Citrobacter amalonaticus, Citrobacter diversus, Enterobacter sp, Acinetobacter iwoffi, Yersinia enterocolitica, Campylobacter jejuni.

Чидамли микроорганизмлар: *Граммусбат аэроб микроорганизмлар:* *Enterococcus spp., Staphylococcus spp., Streptococcus pneumoniae* (пенициллинга ўртача сезувчанликда ёки чидамлиликда). *Грамманфий аэроб микроорганизмлар:* *Pseudomonas aeruginosa.*

Бошқа микроорганизмлар: *Chlamydia spp., Chlamydophila spp., Legionella pneumophila., Mycoplasma spp.*

Фармакокинетикаси

Ичга қабул қилинганда Цефиксимнинг биокираолишлиғи овқат қабул қилишдан қатъий назар 40–50% ташкил қилади., цефиксимнинг зардобдаги максимал концентрациясига препарат овқат билан бирга қабул қилганида 0,8 соат тезроқ эришилади.

Плазма оксиллари билан, асосан альбуминлар билан боғланиши 65% ташкил қилади.

Дозанинг тахминан 50% сийдик билан ўзгармаган ҳолда 24 соат давомида чиқарилади, дозанинг тахминан 10% ўт-сафро билан чиқарилади. Яримчиқарилиш даври дозага боғлиқ ва 3–4 соатни ташкил қилади.

Буйраклар фаолиятини бузилишлари бўлган пациентларда креатинин клиренси 20–40 мл/мин бўлганида ярим чиқарилиш даври 6,4 соатгача, креатинин клиренси 5–10 мл/мин бўлганида 11,5 соатгача узаяди.

Қўлланилиши.

Инфекцион-яллиғланиш касалликлари:

- фарингит;
- тонзиллит;
- синуситлар;
- ўткир ва сурункали бронхит;
- ўрта отит;
- сийдик чиқарув йўлларининг асоратланмаган инфекциялари;
- асоратланмаган гонорейда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Катталарга ва тана вазни 50 кг ошган 12 ёшдан катта болаларга суткалик доза 400 мг 1 мартани ташкил қилади. Даволаш курсининг давомийлиги -7 -10 кун.

Асоратланмаган гонорейда 400 мг бир марта буюрилади.

Streptococcus pyogenes чақирган инфекцияларда даволаш курсининг давомийлиги 10 кундан кам бўлмаслиги керак.

Буйрак фаолияти бузилишларида (КК 21 дан 60 мл/мин гача да) ёки гемодиализдаги пациентларда суткалик дозани 25% камайтириш керак.

КК \leq 20 мл/мин да ёки перитонеал диализдаги пациентларда суткалик дозан 2 мартага камайтириш керак.

КК 60 мл/мин кам буйрак фаолияти бузилишлари билан бўлган пациентларга, гемодиализдагилар ёки перитонеал диализдагиларга препаратни суспензия шаклида буюриш керак.

Ножўя таъсирлари

Овқат ҳазм қилиш тизими томонидан: оғизни қуриши, анорексия, диарея, кўнгил айнаши, қусиш, ич қотиши, қоринда оғриқ, метеоризм, жигар трансaminaзалари ва ишқорий фосфатазининг фаоллигини транзитор ошиши, гипербилирубемия, сариклик, меъда-ичак йўлларининг кандидози, дисбактериоз; кам – стоматит, глоссит, сохтамебраноз энтероколит.

Қон яратиш тизими томонидан: лейкопения, тромбоцитопения, нейтропения, гемолитик анемия.

Марказий нерв тизими томонидан: бош айланиши, бош оғриғи.

Сийдик чиқариш тизими томонидан: интерстициал нефрит.

Аллергик реакциялар томонидан: терини қичишиши, эшакеми, тери гиперемияси, эозинофилия, иситма, кўп шаклли экссудатив эритема, эпидермал токсик некролиз, анафилактик шок.

Лаборатор кўрсаткичлар томонидан: мочевина азотини ошиши, гиперкреатининемия, протромбин вақтини ошиши.

Бошқалар: кандидоз, хансираш, гиповитаминоз В ривожланиши.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- КК 60 мл/мин кам бўлган буйрак фаолияти етишмовчилигида (капсулалар учун);

- 12 ёшгача бўлган болалар;

-цефалоспорин антибиотикларига ва пенициллинларга юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Эҳтиёткорлик билан кекса пациентларга, сурункали буйрак етишмовчилиги ёки ёлғон мембраноз колити бўлган пациентларга (анамнезида) буюрилади.

Дориларнинг ўзаро таъсири.

Найчалар секрецияси блокаторлари (аллопуринол, диуретиклар) цефиксимни буйраклардан чиқарилишини кечиктиради, бу дори воситасини концентрациясини кон плазмасида ошишига олиб келиши мумкин.

Цефиксим ва карбамазепин бир вақтда қўлланганда кон плазмасида карбамазепинни концентрацияси ошади.

Протромбин индексини камайтиради, билвосита антикоагулянт таъсирини кучайтиради.

Магний ва алюминий гидроксид сақловчи антацидлар препаратни сўрилишини камайтиради, шунинг учун препаратни 1-2 соат олдин ёки 4 соатдан кейин кўрсатилган дори воситалардан кейин қўллаш керак.

Махсус кўрсатмалар

Умумий коида сифатида кўзгатувчига сезувчанлик аниқлангандан кейин, микроорганизмларнинг препаратга чидамлилиги пайдо бўлишини олдини олиш мақсадида пациентнинг у ёки бу ҳолатини даволаш учун зарур препаратни қўллашнинг давомийлиги минимал давр билан чегараланган бўлиши керак.

Даволашни бошлашдан олдин цефалоспорин, пенициллин ва бошқа препаратларга бўлган анамнезида юқори сезувчанлик реакцияларни аниқлаш керак.

Бронхиал астма, тошма ёки эшакеми каби аллергия реакцияларга шахсий ва наслий мойиллиги бўлган пациентларга, қусиш ва диареяни ўз ичига олган ҳолда меъда-ичак бузилишлари бўлган пациентларга, буйрак фаолиятининг жиддий бузилишлари бўлган пациентларга эҳтиёткорлик билан буюрилади.

Цефиксим аминогликозид антибиотиклари, полимиксин В, колистин ва ҳалқали диуретикларнинг (масалан, фуросемид) билан бирга қўшилганида буйраклар фаолиятини алоҳида синчковлик билан кузатиш керак. Бу айниқса буйрак етишмовчилиги бўлган пациентларга тегишли. Бу ножўя реакциялар кўпроқ кекса ёшли пациентларда физиологик жараёнларни тезлигини пасайиши туфайли кузатилади.

Қон кетишлар кекса ёшли пациентларда К витамини етишмовчилиги кузатилиши мумкин.

Ҳомиладорликда ва лактация даврида қўлланиши

Факат она учун кутиладиган фойда, хомила учун потенциал хавфдан юқори бўлган ҳолда Цефиксимни хомиладорликда қўллаш мумкин.

Лактация даврида Цефиксимни қўллашнинг зарурати бўлса эмизишни тўхтатиш керак.

Дозанинг ошириб юборилиши.

Симптомлари: аллергия реакциялардан ташқари, таърифланган ножўя самаралар кўринишларини кучайиши.

Даволаш: меъдани ювиш, симптоматик ва тутиб турувчи даволашни ўтказиш.

Гемодиализ ва перитонеал диализ самарасиз.

Чиқарилиши

ЦЕФ-ОД капсулалари, 200 мг №10, 5 капсуладан Ал/Ал блистерда. 2 та блистер тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутида.

ЦЕФ-ОД капсулалари 400 мг №5, 5 капсула Ал/Ал блистерда, 1 та блистер тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити

Курук, салқин ва ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича

Ишлаб чиқарувчи

Wilshire Laboratories (Pvt.) Limited

124/1 Саноат Комплекси, Кот ЛакхПат, Лахор, Покистан

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси эгаси

CCL Pharmaceuticals (Pvt.) Limited

62-Саноат Комплекси, Кот Лакхпат, Лахор -54770, Покистан

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситасининг сифати бўйича шикоят (таклиф)ларни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

“CCL Pharmaceuticals FZ-LLC” нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

Ўзбекистон Республикаси, 100031, Тошкент ш., Миробод тумани, Афросиёб, 2.

Тел.: +99895 145 15 25